

Шайх Муҳаммад Аввома билан суҳбат - Кавсарий, Абу Ғудда, Аввома



11:52 / 27.04.2018 4250

-Шайх Абдулфаттоҳ Абу Ғудданинг устози Кавсарийга бўлган яқинлиги барчамизга маълум. Сиз ҳам ўн йиллар давомида Абу Ғудда билан аввалига ўқувчи, кейин эса дўст бўлдингиз. Бугунга келиб аҳли суннат ва жамоат йўлида Кавсарийни тамсил қилишда Абу Ғудда ва Шайх Муҳаммад Аввома кўришимиз мумкин.. Илм жиҳатидан насабингизнинг Кавсарийга бориб тақалиши ёки Кавсарий йўлини давом эттиришингизнинг сиз учун қандай ўрни бор?

Шайх Муҳаммад Аввома - (Устоз саволдан кейин юзларида табассум билан қисқа вақт сукут сақладилар. Кейин эса шундай давом эттирдилар) Абдуллоҳ ибн Муборак шундай дейдилар: Бир йўлда бўлишимизга қараб, исмимизни буюқларнинг номига қўшмангиз!

Навбатдаги саволларингизга ўтайлик.

-Бир маърузангизда Шайх Абу Ғудда билан аввал талаба, кейин эса дўст бўлиб 37 йилдан буён бирга эканлигингизни айтгансиз...

Шайх Муҳаммад Аввома - Ҳа, 50 йилдан ҳам ошди. Аллоҳ таолога шукрлар бўлсин!

-Шайх Абу Ғудданинг илмий салоҳиятига алоқадор нималарни айтиб берардингиз?

Шайх Муҳаммад Аввома - Албатта у киши муҳаққиқ, мутаққий олимлардан эди. Динга ҳужжат эдилар. Тилига ва гапига эътиборли эди. Мен унга ўхшаб одил, инсофли, нима бўлса бўлсин, асло ҳақни гапиришдан тортинмаган инсонни кўрмаганман. Аввал ҳам ёзганимдек, уни ҳеч қачон “Кошки шу гапни айтмаганимда эди, кошки шу ишни қилмаганимда эди...” деганини эшитмаганман. Ҳа, мени унинг ҳақ тарозусига енгил келадиган сўзига, ҳаракати ва ахлоқида зид ҳолатни кўрмаганман.